

1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАҲЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

23 июль, чоршанба, 1997 йил
Сотувда эркин нархда. № 153 (1670)Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
ҚАРОРИҲУҚУҚИЙ МАЪРИФАТ ТАРҒИБОТИ МАРКАЗИНИ ТАШКИЛ
ҚИЛИШ ВА ҲУҚУҚИЙ АДАБИЁТЛАРНИ АҲОЛИГА
ЕТКАЗИБ БЕРИШНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида» 1997 йил 25 июндаги ПФ-1791-сонли Фармонида мувофиқ, аҳолининг ҳуқуқий билими ва онгини юксалтириш, жамоат аъзоларининг ҳуқуқий фаоллигини ошириш, ислохотларни янги мазмун билан бойитиш юзасидан олиб борилаётган ишлар давлат сисбатининг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланганлигини инобатга олиб, Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Тошкент давлат юридик институти ҳузурида Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази ва Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликлари адлия бошқармалари ҳузурида унинг минтақавий бўлиmlари ташкил этилсин. Марказнинг тузилмаси ҳамда Устави тасдиқлансин.

2. Ҳуқуқий маърифат тарғиботи марказининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари қуйидагича белгилансин:

-- мамлакатда ҳуқуқий таълим фаолиятини қўлайлаштириш ва ушбу йўналишда таъминлаш, аҳоли ўртасида ҳуқуқий билимларни тарғиб қилиш;

-- аҳоли турли ижтимоий гуруҳларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳуқуқий тарбия ва таълимнинг замонавий турларини татбиқ этиш борасида тавсиялар ишлаб чиқиш;

-- аҳолининг ҳуқуқий билимини ошириш мақсадида янги қўнунчилик ва меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларни даврий умумлаштириш, уларни аҳолига етказиш учун марказнинг минтақавий бўлиmlарига юбориш;

-- ҳуқуқий таълимнинг ҳолатини умумлаштириш ва таҳлил қилиб бориш, бу соҳани такомиллаштириш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш;

-- ҳуқуқий таълимнинг ҳолатини умумлаштириш ва таҳлил қилиб бориш, бу соҳани такомиллаштириш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш;

-- ҳуқуқий таълимнинг ҳолатини умумлаштириш ва таҳлил қилиб бориш, бу соҳани такомиллаштириш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш;

3. Ўзбекистон Республикаси

прокуратураси, суд, ички ишлар ва адлия идоралари, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Фанлар академияси Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази вазифаларининг амалга оширилишида унга яқиндан амалий ёрдам кўрсатсинлар.

4. Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, Қасаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Хотин-қизлар қўмитаси, «Қамолот», «Маҳалла» жамғармалари ва бошқа жамоат бирлашмаларига аҳолининг ҳуқуқий билимларини ошириш юзасидан аниқ мақсадда йўналтирилган тарғибий ишларни амалга ошириш тавсия этилсин.

Мазкур масала билан боғлиқ бўлган оммавий, маърифий, тарғибий-ташқил ишларининг Ўзбекистон Телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситалари томонидан кенг ёритилиши муҳим эканлиги таъкидлансин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликларига Ҳуқуқий маърифат тарғиботи марказининг минтақавий бўлиmlарини зарур асбоб-ускуналар, офис мебели, таъшқиллий техника воситалари билан жиҳозлашда, ҳуқуқий тарғибот ишини юритишда яқиндан ёрдам кўрсатиш топширилсин.

Туман (шаҳар) ҳокимликлари қўшиқда жамоатчилик асосида Ҳуқуқий маърифат тарғиботи марказининг худудий бўлиmlарини ташкил қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига топширилсин.

Худудий-маърифат тарғиботи марказининг туман (шаҳар)-лардаги минтақавий бўлиmlи ишларни ташкил қилиш, ҳуқуқий тарғибот ишларини мувофиқлаштириш туман (шаҳар) ҳокимлари зиммасига юклатилсин.

6. Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази ва унинг минтақавий бўлиmlари ҳодимларига давлат ҳ



Андижон вилояти:

МУСТАҚИЛЛИК ЙЎЛИДАН ОЛТИ ЙИЛ



Андижон нон маҳсулотлари корхонасида қарашли «Ризқ» ҳиссодорлик жамияти аъзолари шаҳар аҳлига кунча тонналаб бўрсидоқ нон етказиб бermoқдалар.

МАЪЛУМОТНОМА

• Вилоятда Ҳамдустлик давлатлари, АҚШ, Германия, Буюк Британия, Италия, Хитой, Жанубий Корея, Туркия каби мамлакатларнинг фирмалари билан ҳамкорликда 84 қўшма корхона ташкил этилган. Уларда 4,8 мингдан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда.

• «Анконтекс», «Уздупробит», «УзЭКС», «Уз-Тонг Хонг Ко», «Уз-Корам Ко», «Саяр», «Тиксантин», «МАСК», «Анчекте», «Нафиса», «Волкар», «ФАМ» сингари қўшма корхоналарда ўтган йилнинг ўзига 10 миллиард 438 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиди. Бу вилотда тайёрланган саноат маҳсулоти умумий ҳажмининг 40,6 фоизига тенгдир.

• Вилот аэропорти жаҳон алоқалари ташаббиси даражасида қайта таъмирланиб, расмий меҳмонлари кутиб ва қутатиб бўлиши иш бошланди.

• Андижон шаҳридаги «Жаҳон бозори»да 768 дўкан бўлиб, уларнинг умумий сатҳи 14 минг кватрми ташкил этади.

• ЧЕТ ЭЛЛИКЛАР НИГОҲИДА

АНДИЖОННИ СОФИНИБ ЯШАЙМАН

Роксана БОНИЕЛЛ, Америкадаги Халқаро тадқиқотлар ва тажрибалар кенгашининг масъул ходими

— Дугонам, қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш бўйича Халқаро институтнинг республикангиздаги вакили Дебора Рид билан Ўзбекистонга борганимизда, Андижонда ҳам бўлдик. «УзДЭУавто», «МАСК», «ФАМ» сингари қўшма корхоналар иши билан яқиндан танишдик. Андижонлик ишбилармонлар ва қишлоқ мулкдорларининг кичик ҳамда ўрта бизнесни ривожлантириш борасидаги дадил ҳаракатларидан қувондик. Биздаги маълумотларга кўра,

ўтган йили вилотдаги қўшма корхоналар томонидан 10,4 миллиард сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилиб, аҳолига хизмат кўрсатилибди. Шу йилнинг беш ойида эса бу кўрсаткич 15,3 миллиард сўмга етган. Бу ўз йилини ўзи белгилаб олган ёш республика учун жуда катта муваффақиятдир.

Андижоннинг гулга бурканган Хонобод, бутунлай қайта қурилатган Шаҳрихон шаҳарлари, Қорадарё қирғоқлари, Шаҳрихонсой соҳиллари, Фарғона канали менда, айниқса, катта таассурот қолдирди. Қўли очик, меҳнаткаш, меҳмоннавоз кишилари бир умр хотирамга муҳрланиб қолди. Энди уларни соғиниб яшайман.

• ЭЪТИРОФ

СИЗЛАРГА ҲАВАСИМ КЕЛАДИ

Жунус ЖАҚПАРОВ, Қирғизистон Республикаси Бозорқўрғон туманидаги салқин ичимликлар корхонаси раҳбарининг ўринбасари

— Хизмат юзасидан ойига икки-уч марта Андижонда бўлишимга тўғри келади. Бу ердаги ўзгаришларни, маъмурийлик, одамларнинг аҳилигини кўриб, ҳавасим келади. Андижон-Шаҳрихон, Андижон-Норин, Андижон-Пахтаоб-

од-Маданият йўналишидаги йўллар кенг, текис, раво бўлибгина қолмай, икки четларидидаги симёғочларга гулли чироқлар ўрнатилган, турлари турли шаклларда товланиб кўзингизни олади. Шунда беихтиёр биз томондаги йўл-

ларни кўз олдимга келтирарман. Очик гап, улар таъмига мўҳтож.

Назаримда, Андижон улкан қурилиш майдонини эслатди. Пойтўғида бозор, бизга қўшни бўлган Пахтаобод, Андижон, Марҳамат, Қўрғонтепа туманларидаги тикувчилик цехлари, маъиший хизмат шохобчалари, савдо дўконлари кинми қувонтирмайди, дейсиз. Яқка тартибда қурилатган уй-жойлар, тўй-матракалар мамлакатнинг қишлоқлари фаровон турмушининг ёрқин



Андижон вилояти:

МУСТАҚИЛЛИК ЙЎЛИДАН ОЛТИ ЙИЛ



Андижон вилоятида ҳозир 98 та давлат муассасаси ишлаб турибди. Андижондаги 3-туғруқхона мажмуи шулардан бири.

СУРАТДА: шу туғруқхона мажмуининг шифокори М. Отахожиев ва ҳамшира Р. Абдурахмонова.



Мақсудахон ая Абдуллаевани Асака шахрида катта кичик танишди. Чунки унинг қўлида жисмо топан дўппиларга ҳар бир йигит-қиз харидордир.

СУРАТДА: Мақсудахон ая Абдуллаева шогирдлари-га иш ўргатмоқда.

ВАТАННИ КУЙЛАМОҚ — САОДАТ

Аваллари машҳур ансамблларгина хорижга ижодий сафарга бориб турар эди. Вилотлардаги халк дасталарининг четга чиқиши эса фавқуллоҳда ҳодиса ҳисобланарди.

Мустақиллик биз, санъаткорларга ҳам кенг эркинликлар берди. Ўтган беш йилда республикамизнинг қатор шахар ва қишлоқларидан ташқари Америка Қўшма Штатлари, Афғонистон, Покистон, Германия, Польша мамлакатларида, ҳатто Корсика оролларида бўлди. Хорижликларни халқимизнинг бой тарихий маданияти, урф-одати, хусусан, санъати билан яқиндан таништирдик.

Ансамблимизда 20 нафар раққоса ва созанда бор. Феруза Қўшқова, Асал Ражабаева, Нозима Ботирова, Ойста Холматова сингари истеъодлар афғонча, туркча, ҳиндча, испанча, арабча рақсларни қўлига етказиб ижро этмоқдалар.

Биз яқинда Покистон сафарида қайтиб келдик. Рақсларимиз хорижликларга манзур бўлди шекилли, бизни Бангладеш, Тайланд, Сингапур, Малайзия, Бирма, Непалга таклиф этишди.

Биз хориж саҳналарида ўз қўшиқ ва рақсларимиз билан Ватанимизни қуйлаш, улуғлаш имконига эга бўлганимиздан фаришланамиз. Зеро, Ватанини қуйламоқ саодатдир.

Х. МУХИТДИНОВА,
«Сумалак» дастасининг бадий раҳбари.

ДУНЁ ОЛҚИШЛАГАН ШУНҚОРЛАР

Марказий Осиёда кураги ерга тегмай ўтган избосканлик Али полвон, Ўсар полвонларнинг бугунги издошлари ҳам турли халқаро беллашувларда мамлакатимиз спорт шарафини муносиб ҳимоя қилмоқдалар. Ўтган йили бокс бўйича Кубада ўтказилган жаҳон ёшлари биринчилигининг совриндорлари Муҳаммадқодир Абдуллаев ва Руслан Шагаев, байдарка ва қанозда эшак эшиш бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси, бир неча халқаро беллашувлар ғолиби Татьяна Левина, бадий гимнастика бўйича Осиё чемпионати ғолиби Анастасия Дзюзняк, оғир атлетикачи, Атлантада ўтказилган жаҳон олимпиадаси иштирокчиси Игорь Халилов, фарғонача миллий кураш устаси ака-ука Исоқовлар шулар сирасига кирилади. Айни



қуларда улар келгуси йили Москвада ўтказилган жаҳон ёшлари мусобақасига жиддий тайёргарлик кўрмоқдалар.

СУРАТДА: олтинқўлақ полвонлар -- ака-ука Исоқовлар.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20 мартдаги қарорига кўра, «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти ташкил этилиб, унинг зиммасига 1997 -- 2005 йиллар давомида кўп жилли «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»ни тайёрлаш ва чоп этиш вазифаси топширилган эди.

Ўтган даврда бу борада муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан, фан соҳалари бўйича тузилган сўзликлар қайта тайёрланди, услубий қўлланма, мақолалар тайёрлаш мезонлари, тавсиялар ишлаб чиқиш, биринчи жилда материалларини нашрга тайёрлашга киришилди.

Нашриёт жамоаси, шунингдек, таърибли ходимлар билан мустаҳкамламоқда, матбаа корхонаси эса янги техника воситалари билан жиҳозланмоқда.

Бирок шунга қарамай, «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»ни тайёрлаш ишларини ҳали талаб даражасида, деб бўлмайди. Бош таҳрир хайъатининг йиғилишида шулар ҳақида фикр юритилди.